



Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com



Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com



Ислом Нури

Иккинчи: Эътикофнинг хикмати

Калбнинг самимийлиги, Аллох таъоло томон юриш асносида Аллох таъолога икбол килиш, мувоҳид нарсаларнинг ортиқчаларини тарк килиш, Аллох таъолога бўлган унсиятни рўёбга чиқариш, Аллох таъоло учунгина ишлаш ва Унинг розилигига эришиш йўлида тафаккур килиш билан бирга собиткадам бўлишидир.

Шариатда мавжудлигининг далиллари:

Эътикофнинг шариатда мавжуд эканига Қуръон, суннат ва ижмоъ далолат қилади.

Қуръоннинг далолати:

Аллох таъоло деди:

(مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِلَّهِ فَاعْلَمْ أَنَّهُ عَدُوٌّ لِلرَّسُولِ وَكَانَ اللَّهُ عَدُوًّا لِلْكَافِرِينَ
(مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِلَّهِ فَاعْلَمْ أَنَّهُ عَدُوٌّ لِلرَّسُولِ وَكَانَ اللَّهُ عَدُوًّا لِلْكَافِرِينَ
125:مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِلَّهِ))

«Биз Иброҳим ва Исмоилга: «Менинг Байтимни тавоф қилгувчилар, ўша ерда ибодат қилиб турувчилар, рукуъ – сужуд эгалари учун пок тутинг»- деб буюрдик» (Бақара: 125);

((مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِلَّهِ فَاعْلَمْ أَنَّهُ عَدُوٌّ لِلرَّسُولِ وَكَانَ اللَّهُ عَدُوًّا لِلْكَافِرِينَ
187:مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِلَّهِ))

«... Масжидларда эътикофда бўлган пайтингизда улар (хотинларингиз) билан қовушмангиз!» (Бақара: 187).



Ислом Нури

Бу ерда масжидларга изофа килишнинг Аллохга ибодат килишга катта алоқаси бор. Рамазон ойининг кечаларида ҳам хотинлари билан ковушишни тарк килиш – Аллохга якин бўлишнинг бир кўринишидир.

Суннатнинг далолати:

Оиша разияллоху анҳо деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам вафот этгунларига қадар рамазон ойининг охириги ўн кунда эътикоф килдилар. Ундан сўнг рафикалари ҳам (рамазон ойининг охириги ўн кунда) эътикоф килар эдилар» (Имом Бухорий ривояти: 2026; Имом Муслим ривояти: 1172).

Бундан бошқа ҳадислар ҳам кўп.

Ижмоънинг далолати:

Эътикоф килишга мусулмонларнинг ижмоъсини ибн Мунзир, ибн Ҳазм, Нававий, ибн Қудома, шайхулислом ибн Таймийя, Куртубий, ибн Хубайра, Заркаший ва ибн Рушдлар накл килдилар.

Тўртинчи: Эътикофнинг ҳукмлари

Бунинг учта масаласи бор:

Биринчи масала: Эътикофнинг эркаклар учун ҳукми.

Эътикоф килиш – хотин-кизлардан бошқалар учун суннатдир. Чунки эътикоф, юкорида зикри ўтган далилларга биноан, шариатда баён килингандир. Бирок, моликий мазхабига мансуб баъзи олимлар имом Моликдан ривоят килинган наклга биноан, эътикоф килишни макрух ҳисобладилар. Имом Молик раҳимахуллох дедилар: «Мен бирон бир



Ислом Нури

сахобанинг эътикоф килганини кўрмадим. (Имом Молик раҳимахуллох факатгина бир киши – Абу Бакр ибн Абдуррахмоннинггина эътикоф килганлик хабари етганини эслатади). Менимча, бу – эътикофнинг огирлигидан бўлса керак. (Баъзилар имом Молик раҳимахуллохнинг эътикофни макрух ҳисоблаганининг сабаби, унинг раҳбонийликка (ибодат учун одамлардан узоклашишга) ўхшатгани ёки эътикофнинг шартларини тўла адо этиш кийинлигини назарда тутган бўлса керак, деб изоҳладилар.

Ибн Хажар раҳимахуллох: «Балки у (имом Молик) эътикоф учун муайян бир шаклни тасаввур килган бўлса керак. Бўлмаса, кўплаб сахобанинг эътикоф килганини накл килганмиз»- деди.

Иккинчи масала: Эътикофнинг хотин-кизларга нисбатан ҳукми.

Уламолар ўртасида хотин-кизларнинг эътикоф қилиш-килмасликлари ўртасида ихтилофлар бўлсада, жумхури уламо хотин-кизларнинг эътикоф қилишлари суннат эканига ҳукм килган. Улар бунга қуйидаги ҳужжатларни далил килганлар:

1. Эътикофнинг шаръий нарса эканига далолат килган ҳужжатларнинг умумийлиги ва унда эркак ва хотин-кизлар ўртасини ажратмаслик.

2. Аллох таъолонинг сўзлари:

(ﷻ ﷻ ﷻ ﷻ)

«... Улардан беркиниб олган пайтда...» (Маръям: 17);

ﷻ ﷻ ﷻ ﷻ ﷻ ﷻ)



Ислом Нури

«... Закариё у (Маръям) нинг олдига – хужрага кирганида ...» Оли Имрон: 37).

Бу оятларда зикр килинган ибодат – масжиддаги эътикоф ва одамлардан пардаланиш бўлиб, у биздан аввалгиларга ҳам шариатларида баён килинган. Бизга эса, уни рад этган бирон бир ривоят ва накл бўлмагани учун шаръийдир (яъни шариатда кўрсатилган ибодатдир).

3. Оиша разияллоху анхонинг расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг у ва Хафса онамиз разияллоху анхумоларга эътикоф килишларига рухсат берганлари зикр килинган хадис (Имом Бухорий: 2414; Имом Муслим: 1173).

4. Оиша разияллоху анхо дедилар: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам билан бирга кизил ва сарик истихоза кони кўрган, намоз ўқир экан тагига тос кўйган баъзи рафикалари ҳам эътикоф килган эди» (Имом Бухорий: 309). Баъзи шархловчилар расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг бу рафикалари Умму Салама разияллоху анхо эканини ёздилар.

5. Оиша разияллоху анхо дедилар: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам эътикоф килиш асносида хайз кони кўрган аёлларни масжиддан пок бўлгунларига кадар чиқариб юборар эдилар» (Ибн Кудома, «Мугний»: 4 / 487; ибн Мафох «Фуруъ» китобида Абу Хафс Абкарийдан накл килди: 3 / 176; ибн Батта: «Бу хадиснинг исноди яхшидир»- деди).

Аммо расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг ўзлари билан бирга эътикоф килмокчи бўлган рафикаларининг чодирларини бузиб



Ислом Нури

ташлашлари, уларнинг ракобатлашишларидан кўркканликлари учун эди. Шунинг учун ҳам уларга: «Сизлар яхшиликни хоҳлайсизларми?!», деган эдилар.

Учунчи масала: Эътикофнинг рамазондан бошка ойларда ва рамазоннинг охири даҳаси – ўн кунлигидаги ҳукми.

Бу ҳақида олимлар ўртасида ихтилоф бўлса-да, қувватлироқ ҳукм – жумҳури уламо ҳукми, эътикофнинг суннат эканидир. Жумҳури уламо қуйидаги ҳужжатларни далил қилиб олдилар:

1. Эътикоф қилиш далилларининг умумийлиги. Бу ҳукм – рамазон ва бошка ойларни, рамазоннинг охири ўн куни ва бошка кунларни ҳам ўз ичига олади.

2. Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қилган ушбу ҳадис: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эътикоф қилмокчи бўлсалар, бомдод намозини ўқиганларидан сўнг эътикоф қилинадиган ерга кирар эдилар... Ва расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эътикофни тўхтатдилар ва шаввол ойининг охири ўн кунида эътикоф қилдилар» (Имом Бухорий: 2040);

«.. расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шаввол ойининг биринчи ўн кунида эътикоф қилдилар» (Имом Муслим: 1173).

Бу ҳадислардан эътикоф қилиш учун шариатда руҳсат берилган пайт рамазон ва ўн кунликлар экани маълум бўлмокда.

3. Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу дедилар: «Умар расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Мен жоҳилият пайтида Масжидул-Харомда бир кеча эътикоф қилишни назр қилган эдим. (Нима



Ислом Нури

килай?)»- деб сўради. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «(Назрингга) вафо кил!»- деб жавоб бердилар» (Имом Бухорий: 2032; Имом Муслим: 1656).

Бу, рамазон ойи, рамазоннинг охирги ўн кунлари бошка кунларнинг барча кечалари эътикоф килиш учун муносиб вақт эканини кўрсатмокда.

4. Абу Хурайра разияллоху анху деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам хар рамазон ойи ўн кун эътикоф килар эдилар. Вафот этган йиллари эса йигирма кун эътикоф килдилар» (Имом Бухорий: 2044). Бу ривоят эътикоф рамазоннинг охирги ўн кунидан бошка кунлар ҳам эътикоф вақти бўлиши мумкин эканини кўрсатмокда.

Бундан бошка далиллар ҳам кўп.